

## **АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЁТИ**

**Муйдинов Эркин Джамалдинович**  
*Тошкент Молия институти доценти, и.ф.н*  
*E-mail: emuydinov@list.ru*

**Аннотация:** Ушбу мақолада аудиторлик текширувларини тайинлашдан аввал мижоз корхонага нисбатан аудиторлик ташкилотини мустақиллигини баҳолаш, унинг даражасига салбий таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва уларнинг таъсирини пасайтириш йўлларини аниқлаш ҳақида аудитнинг халқаро стандартлари асосида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Аудиторлик ташкилотининг мустақиллик тамойили, касб этикаси талаблари, аудитнинг халқаро стандартлари, молиявий манфаатдорлик, қарзлар ва кафолатлар, иш юзасидан ўзаро алоқалар, хизмат ҳақларининг таққослама ўлчами, совғалар ва бошқа эътибор белгилари

**Аннотация:** В данной статье рассматривается оценка независимости аудиторской организации по отношению к компании-заказчику перед назначением проверок, изучение факторов, негативно влияющих на ее уровень, и определение путей снижения их влияния на основе международных стандартов аудита.

**Ключевые слова:** Принцип независимости аудиторской организации, требования профессиональной этики, международные стандарты аудита, финансовая заинтересованность, кредиты и гарантии, отношения по труду, сравнительная мера вознаграждения, подарки и другие знаки признания.

**Abstrakt:** This article discusses the assessment of the independence of the audit organization in relation to the client company before assigning inspections, the study of factors that negatively affect its level, and the identification of ways to reduce their influence based on international auditing standards.

**Keywords:** The principle of independence of the audit organization, requirements of professional ethics, international auditing standards, financial interest, loans and guarantees, labor relations, comparative measures of remuneration, gifts and other signs of recognition.

### **Кириш**

Мустақил аудит бу мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган жараёндир. Мустақил аудитнинг мақсади аудити ўтказилаётган молиявий ҳисоботни объектив баҳолашни таъминлашдан иборат. Мустақил аудит одатда ташқи аудит деб ҳам аталади. Мустақил аудиторлик ташкилотларининг асосий мақсади аудит учун тақдим етилган молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқловчи ёзма ҳисоботни тақдим етишдир. Шуни таъкидлаш керакки, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботидаги маълумотлар йилдан-йилга хатосиз ва хукуқий мөъёрларга мувофиқ шакллантирилиши учун мустақил аудит мунтазам равишда ўтказилиши керак.

Бундай ҳолда, компания ўз фаолиятини кутилмаган хавф ва харажатлардан ҳимоя қиласи. Шунинг учун аудит назарияси ва амалиётида аудиторлик ташкилоти мустақиллигини ўрганиш масаласи муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Аудиторлик фаолиятида мустақиллик тушунчаси мустақил аудитни амалга ошириш, олинган натижаларини ҳаққоний баҳолай олиш ва холисона аудиторлик хулосасини тайёрлаш имкониятини англатади (4).

Аудиторлик ташкилотининг мустақиллиги масалалари қўйидаги маҳаллий ва ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган хужжатларда ўз аксини топган. Масалан, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 25.02.2021 йилдаги ЎРҚ-677-сон ли қонунининг 27-моддасида Аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир дейилган (1).

Аудиторларнинг ҳалқаро Этика кодекси ва «Молиявий ҳисоботлар аудити ва уларни кўриб чиқиши, ишонч билдириши ва бошқа турдош хизматлар кўрсатиш бўйича келишувларни бажарувчи аудиторлик ташкилотларида сифат назорати» номли 1-сонли Ҳалқаро сифат назорати стандартига кўра аудиторлик ташкилоти ташкилотнинг ўзи, унинг ходимлари ва улар қўлланилганда мустақиллик талаблари татбиқ этиладиган бошқа шахслар (шу жумладан, тармоқга кирган аудитор ташкилоти ходимлари) тегишли этик талаблар билан талаб этилганда мустақиллигини сақлаши керак (2,3).

Миллий ва ҳалқаро стандартлар талабига кўра аудиторлик ташкилоти мустақиллигига монелик қиласидан ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, аудиторлик хизматлари кўрсатишни рад этиши керак (6).

### **Тадқиқод методологияси**

Мақолани тайёрлаш жараёнида аудиторлик ташкилотини мустақиллиги масаласига оид маҳаллий ва ҳалқаро аҳамиятдаги қонун хужжатлари, Касб этикаси қоидалари, аудит назарияси соҳасида танилган олимларнинг мазкур мавзуга тегишли мақолалари, китобларининг боблари ва ҳалқаро аудит стандартлари асосида хизмат кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларида мазкур масалани ишчи хужжатларида ёритиш услубиёти ўрганиб чиқилди. Уларни ўрганиш натижасида аудиторлик текширувини бошлашдан аввал унинг мижозга нисбатан мустақиллигини аниқлаш жараёнида ёрдам бериши мумкин бўлган тест саволлари ишлаб чиқилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Аудиторлик ташкилотларининг ички сиёсатида мижозга нисбатан ўзининг мустақиллигини таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун аудиторлик ташкилотининг мутахассислари томонидан унинг мустақиллигига раҳна соловчи омиллар мунтазам тарзда ўрганиб борилади.

Олимларнинг аудиторлик ташкилотининг мустақиллиги масаласини ёритишга бағишилаб ёзилган мақола, ўкув қўлланма ва дарслкларида уни бузилишига сабаб бўлувчи бир қатор ҳолатлар келтирилган. Мазкур ҳолатларни ўрганишни осонлаштириш учун уларни қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

### **■ Молиявий манфаатдорлик**

Молиявий манфаатдорлик деганда аудиторлик ташкилотини мижозда ёки мижознинг аудиторлик ташкилотида молиявий қўйилмаларга эга бўлиши, ёки уларни сотиб олиш (сотиш) бўйича хуқуқ ва мажбуриятларни мавжудлиги ёки мижоз билан биргаликда бошқа объект (лар)да молиявий манфаатга эга бўлиш холати тушунилади. Масалан корхона аудиторлик ташкилотининг ёки аудиторлик ташкилоти корхонанинг таъсисчиси (инвестори) бўлиши мумкин.

### **■ Қарзлар ва кафолатлар**

Аудиторлик ташкилоти мижоздан ғайриоддий шартларда ва унга боғлиқликни келтириб чиқарадиган, унинг мусақиллигига хавф соладиган даражада карз олмаслиги ёки мижоз томонидан йирик миқдорда ёки оддий тартибдан фарқ қиласидиган шартларда олган кредитлари бўйича унга кафолатчи бўлиб юзага чиқмаслиги лозим.

### **■ Иш юзасидан ўзаро алоқалар**

Бунга, аудиторлик ташкилоти ёки аудиторлик гурӯҳи аъзоси билан мижоз ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, биргаликда инвестиция киритган компанияларни бошқаришда иштирок этиш, бир бирини маҳсулоти ёки хизматларини кенг миқёсда реклама қилиш холатларини мисол қилиб келтириш мумкин. Агар мазкур алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлса, улар аудиторлик ташкилотининг мустақиллигига хавф солиши мумкин.

### **■ Қариндошлик ва шахсий ўзаро муносабатлар**

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари, ходимлари муассиснинг, иштирокчининг яқин қариндошлари ёки раҳбарлик вазифаларини ёхуд бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахснинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект аудит қўмитаси аъзосининг яқин қариндошлари бўлган (1) ҳолатларда аудиторлик ташкилотининг мустақиллигига хавф туғдириши мумкин. Яқин қариндошлар тушунчасига Ўзбекистон республикаси Оила кодексининг 57 ва 58 – моддаларида изоҳ берилган.

### **■ Аудит қилинаётган хуқуқий шахс билан меҳнат муносабатлари**

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари, раҳбар ходимлари бир вақтнинг ўзида аудит қилинаётган шахсда раҳбарлик вазифаларини ёхуд бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган бўлса, ёки улар хозирда мижоз корхонага келтирилган йўналишларда раҳбарлик лавозимига ўтиб ишлаётган бўлсалар ёки аудиторлик ташкилоти бирор бир ходимини мижозга қонунчиликда белгиланган чекловлар таркибига кирган хизматларни бажариш учун вақтинчалик тақдим қилган бўлса унинг мустақиллигига хавф даражаси юқори бўлади.

### **■ Яқинда ўзи ишлаган компанияга аудит хизмати кўрсатиш**

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари, раҳбар ходими аввал ўзи ишлаган компанияда аудиторлик текшируви ўтказилиши масаласи юзага келган пайтда аудиторлик ташкилотининг мустақиллигига хавф даражаси мукаммал ўрганиб чиқилиши лозим. Чунки, агар аудиторлик ташкилотининг раҳбари ёки раҳбар ходими аудит ўтказилиши назарда тутилаётган корхонада текширув ўтказилиши

кутилаётган даврда раҳбарлик лавозимида ишлаган бўлсалар мустақилликка таҳдид даражаси жуда юқори бўлади. Агар бу ҳолат аудит гурухи азосига тегишили бўлса уни текширув гурухидан четлаштириш тарзида ҳал қилиш мумкин.

### ■ Хизмат ҳақларининг таққослама ўлчами

Аудит амалиётида аудиторлик ташкилотининг мустақиллик даражасига таъсири кўрсатувчи яна бир омил мавжуд, бу бир мижоздан кўрсатилган хизматлар учун олинган ҳақ миқдорини аудиторлик ташкилотини ҳисобот даврида олган даромади билан солиштириб унинг улушкини аниқлаш даражаси ҳисобланади. Агар ушбу кўрсаткич салмоқли даражани ташкил қилса, бу ҳолат аудиторлик ташкилотини мижозга қарамлиги юқорилигидан далолат беради ва унга таъсири доирасида мустақиллик тамойилига раҳна соловучи вазиат юзага келади.

Халқаро аудит амалиётида ҳисобот даври давомида аудиторлик ташкилотининг бирор бир мижозидан олиши мумкин бўлган хизмат ҳаки (айниқса агар у муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган корхона бўлса), унинг таҳминий жами йиллик даромадида 15% дан ортиқни ташкил қилиши кутилаётган бўлса, аудиторлик ташкилотининг раҳбарияти бу ҳолатни ўзининг мустақиллигига ҳамда аудитор хулосасини холисона тузилишига қанчалик таъсири қилиши мумкинлигини ўрганиб чиқиши лозим (5).

### ■ Мижозга ички аудит хизмати кўрсатиш

Аудиторлик ташкилотлари мижоз компания раҳбарияти билан келишган ҳолда шартнома асосида унга ички аудит хизматини ҳам кўрсатиши мумкин. Бироқ, аудиторлик ташкилоти раҳбарияти мазкур хизмат турини тақдим қилишга оид шартномада шундай хизмат йўналишларини танлаши керакки, улар аудиторлик ташкилотининг мустақиллигини бузилишига олиб келмаслиги лозим. Бу борада аудиторлик ташкилотини мустақиллигига раҳна соловучи хизмат турларига қўйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

- ички аудитор мижознинг ички аудит хизмати раҳбари вазифасини бажарса ва ички аудит хизматига оид масъулиятларни ўз зиммасига олса ;

- ички аудит хизмати ҳисботини тузса ва уни корпоратив бошқарув раҳбария-тига тақдим қилиб борса;

- ички аудитор мижозда бухгалтерия ҳисобини юритса, миллий ва халқаро стандартлар асосида мижозга кейинчалик аудитдан ўтказилиши кутилаётган молиявий ҳисботларни тузишда амалий ёрдам берса;

- ички аудитор мижознинг солиқ ҳисобини юритса, унга солиқка тортиш бўйича маслаҳатлар берса, солиқларни ҳисоблаш борасида мижозда юзага келган муаммолар бўйича судда уни ҳимоя қилса, солиқ декларацияларини тузишда амалий ёрдам берса;

- ички аудитор мижоз компаниянинг тафтиш комиссияси азоси (тафтишчиси), унинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси вазифаларини амалга оширса (1).

Аудиторлик ташкилоти раҳбари мижозда аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнида юқорида келтирилган ҳар бир ҳолатни

аудиторлик ташкилотининг мустақиллик даражасига қанчалик таъсир қилишини холисона баҳолаши лозим.

### **■ Совғалар ва эътибор белгилари**

Мижоз айрим ҳолатларда аудиторлик ташкилотига, унинг хизмат кўрсатаётган аудиторига ёки унинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига совғалар ҳамда инъомлар таклиф қилиши мумкин. Мижоздан совғалар ва бошқа турдаги инъомларни қабул қилиниши, одатда, аудиторлик ташкилотининг мустақиллик даражасига таҳдидни келтириб чиқарувчи ҳолат сифатида таснифланади (2). Лекин, якуний хуносани чиқариш учун совға ёки инъом қилинган нарсани бир неча қирраларда таҳлил қилиб чиқиш лозим. Бунда уни берилиш пайтидаги вазиат (аудит жараёнининг боши, якуни, хуноса бериб бўлингандан кейинги вақт...), берилиш сабаби (аудиторлик ташкилотини ташкил қилинган санасини, масалан 10 йиллигини тақдирлаш, аудиторлик ташкилоти раҳбарини ёки аудиторини туғилган куни, тўйи, фарзанд кўриши вхк ), унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари (арзимас қийматдаги, оддий тарзда қадрланадиган совға ёки қумматбаҳо бренд маҳсулоти вхк), мазкур мижоз билан олиб борилаётган иқтисодий алоқаларни муддати (ҳали яхши ўрганилмаган янги мижоздан олинган совға ёки бир неча йиллар мобайнида иқтисодий алоқа қилиб келинаётган ва аудиторлик ташкилоти хизматидан миннатдор бўлган мижоз тақдим қилган эътибор белгиси сифатида тақдим қилинган совға) вхк. Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга киритилган Бухгалтерларнинг халқаро касбий ахлоқ Кодексининг "Рағбатлантириш, шу жумладан совғалар ва эътибор белгилари" номли бўлими аудиторлик ташкилоти, унинг ишчи гуруҳ аъзолариға қиймати арзимаган паст бўлишидан қатъий назар мижоздан асоссиз рағбатлантиришлар, совғалар ва турли эътибор белгиси сифатида берилаётган нарсаларни олишдан тийилишни тавсия этади.

### **■ Мавжуд ёки бўлиши кутилаётган суд мажороси**

Агар аудиторлик текшируви амалга оширилаётган пайтда аудиторлик ташкилоти ёки унинг аудитори билан мижоз компания ўртасида суд жараёни кетаётган ёки уни бошланиши кутилаётган бўлса бу вазиат аудиторлик ташкилотини мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган холат сифатида таснифланиши мумкин. Унинг таъсир даражасини аниқлаш учун судлашув жараёнини келтириб чиқарган вазиат, тортишувлар мазмуни, уларни олдинги текширув натижаларига боғлиқлиги, муаммони кам зарар билан ҳал қилиш эҳтимоли, суд жараёнида кўриладиган заарнинг тахминий қиймати вхк ўрганиб чиқилади. Агар аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилган харакатлар суд жараёнини ўзаро келишув билан тўхтатиш (бошламаслик) ёки ундан кўриладиган заарни минималлаштиришга имкон бермаса аудит амалиёти одатда аудит хизматлари қўрсатишни тўхтатиш ва аудит хуносаси тақдим қилишдан воз кечишни тавсия этади.

Аудиторлик ташкилотининг мустақиллигига раҳна соладиган ҳолатлар юзага келган тақдирда “Хужжатлаштириш” номли 230-сонли Аудитнинг халқаро стандартига кўра аудиторлик текшируви аудитнинг асосий

тамойилларга мувофиқ амалга оширилганлигини кўрсатадиган барча воқеликни хужжатлаштириши керак.

Бу холатлар бўйича тузиладиган хужжатларда аудиторлик ташкилоти-нинг сифат назорати бўйича масъул ходими аудит гурухи раҳбари билан биргаликда қўйидаги саволларга асосли жавобларни акс эттириши лозим:

1. Мустақилликни бузилишига сабаб бўлган ҳар бир холатни аҳамияти қандай?
2. Мустақилликни бузилишининг ҳар бир холати қандай юз берди?
3. Мустақилликни бузилишининг ҳар бир холати қандай аниқланди?
4. Қандай амаллар бажарилса мустақилликни бузилиш холатларини холисона аудиторлик хulosаси беришга салбий таъсири камаяди?
5. Тегишли амаллар бажарилгач, аудиторларни холисона аудитор хulosасини бериш мумкин деган таъкидлашлари қанчалик асосли?
6. Келгусида мустақилликни бузилиш холатларини олдини олиш учун аудиторлик ташкилоти томонидан барча чоралар кўрилганми.

Юқоридаги саволларга жавоб аниқланиб, хужжат тегишли тарзда расмийлаштирилгач, агар мустақилликни бузилиши оқибатларини бартараф қилиш учун тадбирларни қўллашда жиддий чекловлар бўлса, ва (ёки) унинг мавжудлиги холисона аудиторлик хulosасини тузиш имконини бермаса, унда аудиторлик ташкилоти раҳбарияти бу тўғрисида мижоз корхонанинг мулк эгасига ( акциядорлик жамияти бошқарувига) хабар бериши керак бўлади.

Мазкур масала мулк эгаси (акциядорлик жамияти бошқарув) билан муҳокама қилингач, томонларни қаноатлантирувчи қарор қабул қилинади. Бу борада амалга ошириладиган харакатлар халқаро аудит амалиётига кўра қўйидагича бўлиши мумкин:

■ агар аудиторлик ташкилотини мустақиллигига таҳдид солувчи холат жиддий бўлса ва уни тегишли чоралар кўриш орқали керакли даражага қадар пасайтиришни имкони бўлмаса, унда аудиторлик текшируви тўхтатиш, мижозга бошқа аудиторлик ташкилотига мурожаат қилиш тавсия этиши.

Бу жойда муаммо сифатида мижоз билан аудиторлик текшируви жараёнида бажарилган иш учун ҳақни белгилаш ва тўловини амалга ошириш масаласи муаммо сифатида юзага чиқиши мумкин. Чунки ҳамма вақт ҳам олдиндан тўланган бўнак миқдори харажатларни тўлиқ қопламаслиги ва хатто мижоз ўша суммани қайтаришни ҳам талаб қилиши мумкин.

■ аудиторлик текширувини юзага келган муаммони ҳисобга олган ҳолда уни таъсири камайтириш имконини берувчи бошқа аудитор ва (ёки) экспертни жалб қилган тарзда давом эттириш ёки қайта бажариш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилоти, тегишли аҳлоқий қоидалар талаб қилганда, ташкилот ва унинг ходимлари, шунингдек, керак бўлса, мустақиллик талабларига бўйсунадиган бошқа шахслар (жумладан, тармоқ фирмаси ходимлари) мустақилликни саклаб қолишиларига асосли ишончни таъминлаш учун сиёsat ва тартибларни ишлаб чиқиши лозим.

Бу борада аудиторлик ташкилотини аудиторлик текшируви ўтказилиши кутилаётган корхонага нисбатан мустақиллигини тасдиқлаш учун аудит

ўтказилишидан аввал расмийлаштириладиган саволномани ҳам аҳамияти катта ҳисобланади.

Қуйида аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётда кенг қўлланиладиган Саволноманинг намунаси келтирилган

**МЧЖ шаклидаги « XYZ » аудиторлик ташкилоти  
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ  
ТАСДИҚЛАШ БҮЙИЧА САВОЛНОМА**

<b>Мижоз:</b>		<b>“Шарқ” акциядорлик жамияти</b>			
Шартнома:	11.03.2023 й № 03-2023	Бажарувчи:	Махмудов С.Қ	Тузилди:	25.03.2023 й
Аудит үтказилаётган давр	01.01.2022 й-31.12.2022 й	Текширувчи:	Мансуров Б.Б	Текширилди:	27.03.2023 й

тр №	САВОЛ	Жавоб		Изоҳ
		Ҳа	Йўқ	
1.	Текширилаётган корхона аудиторлик ташкилотига нисбатан таъсисчи бўлиб ҳисобланадими?		+	
2.	Аудиторлик ташкилоти мижоз корхонага нисбатан таъсисчи бўлиб ҳисобланадими?		+	
3.	Аудиторлик ташкилоти ва мижоз корхона умумий таъсисчиларга эгами?		+	
4.	Аудиторлик ташкилотининг раҳбари, бошқа мансабдор шахслари ҳамда аудит гуруҳи аъзолари мижоз корхонага нисбатан таъсисчи бўлиб ҳисобланадими?		+	
5.	Аудиторлик ташкилотининг раҳбари, бошқа мансабдор шахслари ҳамда аудит гуруҳи аъзолари мижоз корхонада раҳбар, ҳисобчи ёки бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва молиявий ҳисботни тузиш масъулияти юклатилган шахслар ҳисобланадими?		+	
6.	Аудиторлик ташкилотининг раҳбари, бошқа мансабдор шахслари ҳамда аудит гуруҳи аъзолари мижоз корхонага нисбатан раҳбар, ҳисобчи ёки бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва молиявий ҳисботни тузиш масъулияти юклатилган шахслар билан қариндошлик алоқалари ёки яқин шахсий алоқалар билан боғланганми ?		+	
7.	Аудиторлик ташкилотининг раҳбари, бошқа мансабдор шахслари ҳамда аудит гуруҳи аъзолари мижоз корхонадан бевосита ёки билвосита молиявий манфаатдор шахслар ҳисобланадими?		+	
8.	Ўтган ҳисбот даврида аудиторлик ташкилоти мижоз корхонага бухгалтерия ҳисобини тиклаш, юритиш, солиқ декларацияларини тузиш ҳамда молиявий ҳисботларини шакллантириб бериш бўйича хизматлар кўрсатганми?		+	

9.	Аудиторлик ташкилоти мижоз корхонага катта миқдорда қарз берган ташкилот хисобланадими?		+	
10.	Аудиторлик ташкилоти мижоз корхонадан катта миқдорда қарз олган ташкилот хисобланадими?		+	
11.	Аудиторлик ташкилоти мижоз корхонага нисбатан кафолатчи (мулкини унинг фойдасига гаровга қўйган) ташкилот хисобланадими?		+	
12.	Мижоз корхона аудиторлик ташкилотига нисбатан кафолатчи (мулкини унинг фойдасига гаровга қўйган) ташкилот хисобланадими?		+	
13.	Аудиторлик ташкилотининг мижоз корхонадан оладиган хизмат ҳақи унинг йиллик даромадини сезиларли улуши (15% дан ортиғини) ни ташкил киладими?		+	
14.	Ауудиторлик ташкилотининг ходими текширилиши режалаштирилаётган даврда мижознинг ички аудит хизматига раҳбарлик қилганми, ёки ички аудит хизмати ҳисботини тузиш масъулиятини зиммасига олганми?		+	
15.	Аудиторлик ташкилотининг ходими мижоз корхонада текширилиши режалаштирилаётган даврда ички аудитор сифатида мижозга солиқقا тортиш бўйича маслаҳатлар берганми, солиқларни хисоблаш борасида мижозда юзага келган муаммолар бўйича судда уни ҳимоя қилганми?		+	
16.	Аудиторлик ташкилотининг ходими мижоз корхонада текширилиши режалаштирилаётган даврда ички аудитор сифатида мижознинг тафтиш комиссияси аъзоси ёки тафтишчиси бўлганми?		+	
17.	Аудиторлик ташкилоти мижоз корхона билан судлашаётган, унга нисбатан даъво қўзғатган ёки қўзғатишни режалаштираётган ташкилот хисобланадими?		+	
18.	Мижоз корхона аудиторлик ташкилоти билан судлашаётган, унга нисбатан даъво қўзғатган ёки қўзғатишни режалаштираётган ташкилот хисобланадими?		+	
19.	Мижоз корхона аудиторлик ташкилотининг раҳбари, раҳбар ходими, аудит гурухи аъзосининг аввал ўзи ишлаган корхонаси ҳисобланадими?		+	
20.	Аудиторлик ташкилоти, унинг раҳбари ёки аудит гурухи аъзоси мижоз корхона билан ташкил қилинган қўшма лойиҳаларни бошқаришда ва (ёки) унинг маҳсулотини реклама қилишда қатнашадими?		+	

Мустақиллик ва касб этикаси таомилларига риоя қилишга хавф йўқлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказилган тест натижаларига кўра хулоса:

**Аудиторлик хизматлари кўрсатиш  
имконияти бўйича баҳо:**

**Аудиторлик текширувини ўтказиш  
мумкин ( мумкин эмас)**

Аудиторлик гурӯҳи раҳбари \_\_\_\_\_ Махмудов С.Қ

**Текширилди:**

Сифат назорати бўйича масъул\_\_\_\_\_ Мансуров Б.Б

**Хулоса ва таклифлар**

Юқорида кўриб чиқилган холатлардан келиб чиқсан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, аудиторлик ташкилотининг мустақиллиги аудиторлик ташкилотининг аудит ўтказилиши режалаштирилаётган ҳуқуқий шахсга, унинг таъсисчиларига (иштирокчиларига), раҳбарларига ва бошқа мансабдор шахсларига мулкий ҳамда яқин қариндошлик алоқалари билан боғлиқлигининг йўқлигини билдиради.

Аудиторлик ташкилоти ўзининг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни доимо назоратда тутиши, улар юзага келган холатларни тегишли тарзда хужжатлаштириб сабаблари ва сабабчиларини ўрганиб бориши ҳамда уларни олдини олиш борасида ўзининг ички сиёсатига эга бўлиши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Конуни, 25.02.2021 йилдаги ЎРҚ-677-сон

**2. Кодекс профессиональной этики аудиторов.Справочник международного кодекса этики профессиональных бухгалтеров 2022 г**  
<https://www.ethicsboard.org/publications/2022-handbook-international-code-ethics-professional-accountants>

3.«Молиявий ҳисоботлар аудити ва уларни кўриб чиқиши, ишонч билдириш ва бошқа турдош хизматлар кўрсатиш бўйича келишувларни бажарувчи аудиторлик ташкилотларида сифат назорати” номли 1-сонли Халқаро сифат назорати стандарти

4. Аренс Э.А, Лоббак Дж.К. Аудит.Учебник.Москва.Финансы и статистика, 2001, 560 с

5. Додж Р.Краткое руководство по стандартам и нормам аудита.Москва, изд, Финансқи и статистика, 1992, 240 с

6. Суйц В.П и др Аудит: Общий, банковский, страховой, Учебник, Москва, Инфра-М, 2001 г, 556 с.